



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (13.913)

Баҳоси эркин нарҳда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПЕКИНГА КЕЛДИ

Пекин, 24 апрель. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 24 апрель куни "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Пекин шаҳрига келди.

"Шоуду" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Давлатимиз раҳбарини Хитой Халқ Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

"Бир макон, бир йўл" биринчи халқаро форуми 2017 йилда ўтказилган, унда ҳам Президентимиз қатнашган эди. Бу галги саммитда 40 дан зиёд мамлакатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон учун давлатлараро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси бундай алоқаларни фаол давом эттириш ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, Марказий Осиё минтақасида транспорт, савдо, саноат, энергетика ва юқори технологиялар соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳамкорликнинг бундай янги йўналиши унга жалб этилган давлатларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашга, мамлакатлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон транспорт, логистика, савдо-сотиқ, инвестициялар, энергетика ва саноат соҳаларида юқори технологияларни жорий этиш бўйича "Бир макон, бир йўл" ташаббуси лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт ва логистика йўналишларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Бу мамлакатимизнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги интилишлари ва мақсадларига тўла мос келади. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикасининг икки ва кўп томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида умумий қарашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Халқаро форум кун тартибидан минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узок муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш борасидаги шерикликни фаоллаштириш, "яшил" иқтисодиёт ва инновацияларни илгари суриш, устувор инфратузилмаларнинг лойиҳаларини амалга ошириш масалалари ўрин олган.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин, қатор давлатлар ва халқаро молиявий институтлар, шунингдек, Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафаримизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонлини муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорда бирйўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири, Давлат хавф-

сизлик хизмати Молия вазири ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиёнда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуруний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаънашарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 апрель

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Аҳолини рўйхатга олиш ишларини ўтказишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у келгуси бир неча ўн йилликлар ривожланишининг прогност маълумотлари учун ишончли асос яратеди. Энг муҳими, ҳудудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради.

Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш охири март 1989 йилда ўтказилган, шу вақтга қадар республикада аҳоли рўйхатга олинмагани ва бу борадаги масалаларни тартибга солуви кўнун қабул қилинганга алоҳида эътибор қаратилди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 3-бетда)

Тошкентда 24 апрель куни "Expo-Russia Uzbekistan 2019" иккинчи халқаро саноат кўргазмаси ўз ишини бошлади.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

"EXPO-RUSSIA UZBEKISTAN 2019" – БИЗНЕС АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРУВЧИ ПЛАТФОРМА

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Россия экспорт маркази, "Зарубеж-Экспо" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Аҳдам Икромов мамлакатимизда саноатни модернизация қилиш, маҳаллий тадбиркорлар ва чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга

алоҳида эътибор қаратилган, бунда "Expo-Russia Uzbekistan 2019" халқаро саноат кўргазмаси ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Мамлакатимизда "Expo-Russia Uzbekistan" халқаро саноат кўргазмаси илк бор 2018 йилнинг апрель ойида ташкил этилган. Унда Ўзбекистон ва Россиянинг энергетика, машинасозлик, металлургия, қурилиш, транспорт-логистика, телекоммуникация ва алоқа, кимё, агросаноат маҳмуаси маҳсулотлари, халқ ис-

темоли товарлари, озик-овқат, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги технологияларини ишлаб чиқариш, рақамли технологияларни жорий этиш билан шуғулланган 200 дан зиёд компанияси иштирок этган эди. Бу галги кўргазмада 400 дан зиёд компания қатнашгани ўзaro савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканидан далолат.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон шаҳрида Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси таъна пунктларнинг бир гуруҳ профилактика инспекторлари ҳамда маҳалла фаоллари пул мукофоти билан тақдирланди. Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда ички ишлар тизими ходимлари билан бирга, жамоатчилик,

аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

● Республика Маънавият ва маърифат маркази Бўка туманида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, уни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларни маънавий баркамол ва китобхон этиб тарбиялашга бағишланган тадбир ўтказди.

● Бухоро давлат университетига Индонезиянинг 14 та олий ўқув юрти вакиллари ташриф буюриб, тарих, туризм, спорт, психология каби йўналишларда профессор-ўқитувчилар алманинувини йўлга қўйиш, ҳамкорликда ўқув дастурлари тузиш юзасида келишувга эришдилар. Вилоят туризм департаменти вакиллари иштирок этган тадбирда зиёрат туризм йўналишида ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида сўз борди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг телекоммуникация анжуманларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи компанияси HUAWEIнинг йилнинг биринчи чораги натижаларига кўра йиллик 39 фоиз тушумга эга бўлганлиги ва 26 миллиард 800 миллион долларлик маблағ ишлаб топганлиги қайд этилди. Компаниянинг соф фойдаси йиллик 8 фоизни ташкил этди. Жорий йил бошидан буён HUAWEI томонидан жаҳон мамлакатларига 59 миллиондан ортиқ замонавий смартфонлар етказиб берилган.

● Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида халқаро Ер кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

● Россияда дунёда илк бор ёш бола танасига ўпка ва жигарни кўчириб ўтказиш операцияси муваффақиятли амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз азалдан ўлкамизни босқинчилардан ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва дахлсизлиги учун курашган қаҳрамонларини эъзозлаб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангхоҳлардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан энган, машаққатли синовларда ўзларини йўқотмаган, имони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланган.

Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган халқимиз ўзининг нақадар олижаноблигини, меҳр-муруватини, юксак маънавиятини яққол намойён этди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз томонидан мукофотлар топшириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш қўлғу анъанага айланган. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

1. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шioriлари остида Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савидада ўтказилишини таъминласин ва жойларда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига (кейинги ўринларда Байрам деб аталади) бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирилар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари билан биргаликда, ушбу тоифадаги шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири билан Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни, ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, шунингдек, мавзуга оид телекўрсатувлар ва радиодушунтиришлар тайёрлаб эфирга узатиш, мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жамият ҳаётини янада демократлаштириб ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислох этиш йўлида янги уфқларни белгилаб берилиши юртимиз келажаги йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакат тараққиётининг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик ва давлатимиз ривожига ўта муҳим босқич бошланганидан далолат берувчи воқеа сифатида ҳаётимизда ўрин эгаллади.

Бизларга яқин маълум, мамлакатимизда амалга оширилган бундай ислоҳот ва ўзгаришлар, кенг қўламли дастурлар ягона ва улғур бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ҳалқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат.

Ўзбекистонда ислохотлар ҳаётга амалий таъбиқ этилаётганининг барчамиз кўриб туришимиз. Юртимиз шаҳари қишлоқлари обод ва гўзал қиёфа касб этаётгани, санаят тармоқлари жадал тараққий топаётгани, илгор технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, пировадда аҳолининг реал даромадлари, ҳаёт сифати тобора ошадигани бунинг яқол далилидир.

Маълумки, бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам эътиборга лойиқ катта ўзгаришлар юз бермоқда.

Ҳаёт синовларида тобланган, захматқаш пойтахт аҳолининг фидокорона меҳнати тўғрисида Тошкент шаҳри ҳозирги вақтда дадил қадимлар билан ривожланиб бораётган ва буни биз юз катта қадр-қадрига эга қилишимиз керак. Бундан ташқари замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси, иқтисодий соҳа объектларини – янги янган янги ўй-ҳойлар, умумтаълим мактаблари, мусика ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш ва спорт масканлари бўладими, уларни кўрганда, бу кўча ва бетакдор замин янада гўзал ва обод бўлиб бораётганига ишонча ҳосил қиламиз. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида "Tashkent City" халқаро бизнес маркази қурилиш ишлари қизғин паллага кирган, яъни, Алишер Навоий ва Исом Каримов шох кўчалари, Олмасор ва Фуқарат кўчалари орасида жойлашган 80 гектарга яқин майдонда қурилиш ишлари олиб борилаётган. Замонавий технологиялар асосида кўп қаватли бизнес офислар, меҳмонхоналар, турак-қўйлар қурилмақда. Бундан ташқари, бу ерда конференция ва кўргазма марказлари, гипермаркет, кўпжаб савдо майдонлари, ресторан ва кафедрлар, ер ости автотурагоҳлари барпо этилиши режалаштирилган. Тошкент шаҳрининг барча туманларида ҳам шундай комплекслар, янги ўй-ҳойлар ва бошқа хизмат кўрсатиш иншоотлари қад ростламоқда. Шунингдек, "Ҳумо Арена" муз саройининг очилиши нафақат пойтахтликлар учун, балки бутун мамлакатимиз ҳалқи учун Наврўз байрамига ўзига хос туҳфа бўлди. Тошкент шаҳрини ривожланиб бораётган давлатлар пойтахтларига ўхшаб замонавий мегаполисга бизnes марказига айлантириш учун масъулият билан тинимсиз амалий ишлар қилинмоқда.

"Обод маҳалла" дастури доирасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хар бир тумандан мазкур дастурга қиритилган маҳаллаларда бунёдкорлик ишлари олиб бориламоқда.

Тошкент шаҳрида 2017-2018 йилларда Юртбошимиз ташаббуслари асосида ҳам таъминланган оилаларга бепул уйлар берилди жумладан, Олмасор туманида 100дан зиёд ҳам таъминланган оилаларга шундай уйлар топширилди ва ўй-ҳой қурилишлари давом этмоқда. Бундай эзгу ишларни шўрмизини аҳолини катта қувонч билан қабул қилди. Узок йиллар давомида бугун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам хайрилик ишлар унтилганлар эди. Ҳозирги кунда эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида энг замонавий шартига эга бўлган янги уйлар қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, бу борада ишлар кетмоқда.

Пойтахтда бир ва икки қаватли уйлар 1850 тани, ўч қаватли уйлар эса 3000дан ортиқ ташкил этилди. Уларнинг меъморий қурилиши ҳозирги кун талабига жавоб берадиган, чидамлилиги йилдан йилга камайиб бормоқда. Улар 19 аср охирида қурилган. У ерда ноқонуний қурилишлар ҳам амалга оширилган.

Шундан бери анча вақт ўтди. Бундай уйлариинг эзилганга дош бера олинган ҳеч қим қад қад берадиган. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан одамларнинг розилиги билан янги шинам турак-қўйлардан жой ажратилиш ҳамда тарихий аҳамиятга эга уйларни қўришни масаласида инвесторларга аҳоли билан гаплашиш, уларнинг фикрини эшитиш тақдирлари берилмоқда. Қисқа вақт ичида Тошкент шаҳридан оқиб ўтувчи каналлар атрофи шундай гўзал манзарани ташкил қилдики ҳайратдан ёқа ўшайди киши. Мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотларни Ўзбекистоннинг янада гўзаллашган, ҳалқимизнинг фаровон, осийишта ҳаёт кечирishiлари асоси деб билимиз.

Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурияти ва депутатлар томонидан жойларда аҳолига тушунтириш ишлари олиб бориламоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида оқар суварлар, анкорлар ичи ва атрофлари чиқиндилардан тозаланиб, аҳоли учун дам оладиган сўйим масканларга айлантирилмоқда. Баъзи эскириб кетган, шаҳар кўрқини бузиб турувчи иншоотлар бузилиб, ўрнига замонавий дам олиш масканлари қурилмақда ва боғлар яратилмоқда. Бу албатта, Тошкент шаҳар эко тизимининг яхшилашига хизмат қилади.

Пойтахтда 750 мингга яқин оила истиқомат қилади. Шулардан 150 мингга турак-қўй зарур.

2018 йилда 800 минг квадрат метр уй фуқараланишга топширилди. 2019 йилда эса бу кўрсаткичнинг 1 млн. квадратга етказилиши мўлжалланган. Фақатгина турак-қўй қурилишига эмас, балки иқтисодий инфратузилма ҳолатини яхшилашга ҳам эътибор қаратилмақда. Ўтган йили 14та мажбул, 11та боғча реконструкция қилинган. Жорий йилда эса 64та объектнинг реконструкция қилиш ҳамда 64та меҳмонхона, 50та боғча, 40та тиббиёт муассасаси қурилиши инвестиция дастурига қиритилган.

Шаҳарни еритиш, транспорт қизмати, чиқиндилардан тозалаш ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмақда.

Ўтган 2018 йилда Тошкентга 1 миллион сайёҳ ташриф буюрган. Илгари бу кўрсаткич 300-400 минггача ташкил этган. Шаҳар марказида аҳоли турмушининг фаровонлиги, қулайлигига хизмат қилувчи инфратузилмани яратиш ва иқтисодий, маънавий биноларни қўлайлиги долзарб масалаларга айланди. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш структуралари шаҳар четидан жой олади ва янги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари қурилади.

Аҳолини янги турак-қўйларга қўйиришда муаммолар юзага келганда махсус ишловчи мобил гуруҳни ташкиллаштириш масалалари тақдир қилинмоқда ва тез кунларда улар ўзининг иқтисодий амалий натижаларини беради. Тақдирга кўра, бу гуруҳга шаҳар ҳокимияти, туман кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинидан вакиллар киритилади.

Хонадон эгалари янги турак-қўйга қўчишни истамаганда, уйни баҳолашда зиддиятлар юзага келганда, ҳужжатлар билан боғлиқ келишимчиликларда мобил гуруҳ ишга аралашади ва муаммони бартараф этишга ердан беради.

Пойтахтда иқтисодий, маънавий биноларни қўлайлиги долзарб масалаларга айланди. Инвестиция дастурига асосан барча манбалар ҳисобига амалга оширилмаган умумий қиймати 928,1 млн. долларлик жами 34 та ҳудудий инвестиция лойиҳаларини доирасида 2019 йилда жами 298,1 млн. доллар тўғривдан-тўғри ҳорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Шунингдек, хабарингиз бор, Юртбошимиз томонидан 2018 йил 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида 2019 йилда ҳам фаол инвестиция жараёнларини олиб бориш, хусусан, 2,7 млрд. доллар, яъни ўтган йилга нисбатан 6 баробардан ортиқ инвестицияларни ўзлаштириш бўйича топширик берилди.

Шу мақсадда санаят, хизмат кўрсатиш ва турак-қўй соҳаларида 2019-2020 йилларда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳа тақдирлари ишлаб чиқилди. 2019-2020 йилларда замонавий

Мазкур ҳудудда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг янада кенгрок иш юритишларини таъминлаш учун Тошкент шаҳри ҳамда Олмасор туман ҳокимликлари раҳбарияти бошчилигида мутассадди ташкилотлар шу жумладан, O'zLiDeP Тошкент шаҳар ва Олмасор туман Кенгашилар ҳамда партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда очик мулоқотлар, тадбиркорлар билан юзма-юз учрашувлар, амалий мулоқотлар доимий тарзда ташкил этилиб тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдамлар кўрсатилмақда.

Бугунги кунда Олмасор кичик санаят зонасидаги тадбиркорлар ўз фаолиятини ҳеч қандай муаммоласиз давом эттираётганлиқларини ва хурсанд эканликларини таъкидлашмоқда.

Замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларини ечиш билан бевоқифа боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг учун инновацион гуялар орқали янгиликларга интилиб, фан-техника ютуқларини амалиётга таъбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Инновация – маълум бир фаолият майдониндаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгица ёндашув ёки янги технология жараёнини қўллаш, олдингидан янча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир. Бу борада ҳам туман ҳокими ҳамда Халқ депутатлари Олмасор туман Кенгаши ва O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 9 ёшдан – 16 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Турин политехника университетида робототехника мусобақаси ташкил этилиб, ёшларнинг инновацион гуяларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнь куни Олмасор туманида бўлиши давомида тумани иқти-

Ислохотлар оқимида
ИНСОН МАНФААТЛАРИ –
ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

турак-қўй мажмуаларини барпо этишга қаратилган умумий қиймати 10,9 трлн. сўмлик 53 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хизматлар соҳасида асосий эътибор туризм йўналишини янада ривожлантиришга қаратилди. Бу соҳада умумий қиймати 4,7 трлн. сўмлик 30 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Инвестиция – бу иқтисодийнинг юраги. Инвестиция билан бирга турак соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илгор тажрибавалар, юзсак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Ҳаммамиз яқин тушунамиз, ҳар қандай ислохот ва ўзгаришни барқарор иқтисодиётимизга амалга ошириб бўлмайди. Миллий иқтисодиётимизни мустахкамлаш, юртимизни ривожланиб бораётган давлатлар, айниқса, Тошкент шаҳрини тараққий этган шаҳарлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали кўпжаб вазифарлар турибди.

Ўзбекистонда эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Фарв ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга катта қизиқишини уяғотиқмоқда.

Тошкент шаҳрида ишончли шериқлар танлаш, ҳорижий инвесторларга ҳамкорликда корхоналар очилиши, маҳаллий ва ҳорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида ишларни фаоллаштиришимиз зарур. Айниқса, бу борада жойларда кенг қўламли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимиздаги каби Тошкент шаҳрининг Олмасор туманида ҳам бир қатор иқтисодий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бундай ишлар пироваддаги туманининг фидойи фуқаролари туман ҳокимлиги ҳамда Халқ депутатлари Олмасор туман Кенгаши депутатлари билан ҳамжиҳатликда бир қатор муаммоларини ҳал этган ва фуқароларнинг ишончига сазовор бўлган ҳолда амалга оширилмоқда.

Туман ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари, Халқ депутатлари Олмасор туман Кенгаши депутатлари томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида халқ фаровонлиги, юрт ободлиги ҳамда туманининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш каби мақсадлар ётибди.

Таъкидлаш жоизки, туманда олиб борилаётган ислохотлар ва амалга оширилаётган ишларда Халқ депутатлари Олмасор туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, депутатларнинг хиссалари катта.

Шаҳримизда, шу жумладан Олмасор туманида бир неча йиллар мубоинида қаровисиз қолган, ташландик ҳолатга келган корхоналар бинолари санаят, "Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси" ва "ОНИКС" заводиди қайта тиклаш ишлари амалга оширилди. Собик "ОНИКС" заводи биноси ўрнида ҳозирги кунда Олмасор кичик санаят зонаси ташкил этилиб, туман тадбиркорлари ўз фаолиятларини йўлга қўйиш ва янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этишлари учун янги имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда мазкур ҳудудда ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ишлари натижасида Олмасор кичик санаят зонасида 40дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини бошлаб янги иш ўринларини яратишмоқда.

мой-иқтисодий ривожлантириш борасида янги йўналишлар белгилаб берилди. Ушбу йўналишлар доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Иброҳим ота" маҳалласида "Обод маҳалла" дастурига мувофиқ 24 та кўп қаватли турак-қўйларнинг том қисми, кириш йўлақлари, муҳандислик тармоқлари ва ертўраларни тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фасадлари замонавий тус олди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида 11 минг кв.м дан ортиқ ички йўллар буткул таъмирланиб, йўл четидидаги бордор ва ирригация лотқилари янгиланди. Маҳаллада аҳолига қўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини янада ошириш мақсадига 2 км узунликдаги оқова сув тармоқлари буткул таъмирланди, тунги ёриш мосламалари янгиланди, замонавий LED-ёриқчилар ўрнатилди, газ, электр ва иссиқлик таъминоти тармоқлари тўлиқ ремонтдан чиқарилди. Маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини яхшилаш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадига намунавий лойиҳа асосида янги "Маҳалла гузари" қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Туманда бир йил давомида 19 та янги кўп қаватли уйлар қурилиб, 526 та оилага фойдаланишга топширилди, 193 нафар иқтисодий ҳимояга муҳтож аёлларга имтиёзли уйлар берилди.

"Иброҳим ота" маҳалласида "Обод маҳалла" дастурига мувофиқ кўп қаватли уйлар, нотурак-қўйлар, иқтисодий соҳа объектлари қуришди, умуман айтганда маҳалла ҳудудида ободонлаштириш, таъмирлаш ва кўчалар-зорлаштириш ишлари тўлиқ якулиланди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида ўтувчи темир йўлининг хавфсизлик минтақасини тиклаш ҳамда девор билан тўсиш ишлари амалга оширилди, 80 ўринли эски боғча бузилиб ўрнига янги замонавий 150 ўринли боғча бунёд этилди, уйлар олдига 2 та болалар майдончалари, "Тепагузар" маҳалласида 9 та болалар ўйингоҳи, 1 та спорт майдончаси қурилди, "Нуронийлар маскани" қайта таъмирланди ва ўриндиларни ўрнатилиб ҳудуд ободонлаштирилиб, маҳалла ҳудудида кўп қаватли уйлари таъмирлаш ва тартибга келтириш, атроф ҳудудларини ободонлаштириш ва кўчалар-зорлаштириш ишлари олиб берилди. Мазкур ишларга бир қатор мутассадди ташкилотлар томонидан катта амалий ёрдам қўрсатилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқларга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокими ташаббуси билан Кар-соқовлар жамиятининг тумандаги бир қатор муассасалари, шу жумладан, Маданият маркази, спорт мажмуаси ҳамда ётоқхоналарини таъмирлаш, ногиронларни бандлигини таъминлаш мақсадида янги ишлаб чиқариш корхоналарини Кар-соқовлар жамиятига тегишли ҳудудда ташкил қилиш чоралари қўрилди. Жумладан, маданият уйи ва ётоқхоналар тўлиқ таъмирланди, янги спорт майдончалари қурилиб, жиҳозланди, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ташаббуси билан ўз таркибига тикув чеҳи бўлган майдонда 1200 кв.м ишлаб чиқариш бинолари фойдаланишга топширилиб, 150 та янги иш ўринлари яратилди.

Олмасор туманида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, жиниятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш, 2018 йилдан бери "Хавфсиз ҳудуд" концепцияси ижроси натижасида туманда жиниятчилик 49,8 фоизга камайди.

Мазкур ишлар билан бир қаторда туманда иқтисодий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор иқтисодий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан: ҳаёт жараёнида билиб-билмай турли оқимларга кирган ва бугунги кунда қилган ишларидан пушаймон бўлган ҳамда Юртбошимизнинг сайёҳ-харакати билан авф этилиб ўз оиласига қайтган 4 нафар оилаларга яшаш шартларини яхшилаш мақсадида уй-жой ажратилди. Туманда иқтисодий муҳофизатга муҳтож оилаларнинг ҳар бири билан яқка тартибда суҳбат ўтказилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан Илчи гуруҳи тузилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган муаммолардан 11 нафар фуқароларнинг соғлигини тиклашда амалий ёрдам қўрсатилди, 5 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди, 16 нафар фуқароларнинг яшаш шартларини яхшилаш юзасидан уй-жой бўлими томонидан наватба тақдирланди.

Шунингдек, туманда "Олмасор сити" мажмуасини ташкил этиш учун Тошкент шаҳар ҳокимиятининг алоҳида қарори қабул қилиниб, дастлабки ишлар амалга оширилиб юборилганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, маҳаллаларда аҳоли, биринчи навбатда ёшларнинг бандлиги таъминлаш мақсадида, қулай бўлган бандиларда "Ёшлар меҳнат гузарлари"ни ташкил қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб бориламоқда. Бугунги кунга келиб 11 та гузарларни давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил қилиниши белгилаб олинган. Гузарлардан 2 таси "Иброҳим ота" ва "Табасом" маҳалласида ишга туширилди, қолган гузарларни ҳам барпо қилиш манзиллари аниқлаб олиниб, тегишли ишлар амалга оширилди.

Энг аввало, тадбиркорлик фаолияти ҳар қандай жамиятнинг тараққиётини таъминловчи локомотив эканини таъкидлаш зарур. Олмасор туманида тадбиркорлик субъектларини турли таъсирлардан ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг устувор вазирамиз – Олмасор тумани иқтисодиётида санаят, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар улушини сезиларли равишда оширишдан иборат. Фикримизча, тайёр экспортга йўналтирилган махсуслаб ишлаб чиқарувчи, якуниланган технология жараёнини ишлаб чиқаришлар туман иқтисодиётида устувор ўрин эгаллаш лозим. Олмасор тумани фаолирати ушбу вазифарларнинг ҳал этилишини иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини яратиш ва товарлар ва хизматлар бозориди монополияни босқичма-босқич пасайтириш, хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкнинг иқтисодиёт реал сектори, санаятидаги етакчи ролга эга бўлиши билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

O'zLiDeP рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантириш, уларнинг тегишли муҳандислик-коммуникация ва зарур инфратузилмалари билан алоҳида ҳудудларда жамланганини таъминлаш, илмий технология ва инновацион салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

Олмасор тумани ҳокимлиги, Халқ депутатлари Олмасор туман Кенгаши депутатлари тадбиркорлар ичига кўпроқ кириб бориб дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал этиш уларга кўмакдош бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бунда O'zLiDeP партия ташкилоти ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Халқ депутатлари Олмасор туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи Олмасор туман партия ташкилоти билан ҳамкорликда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш, шу билан бирга жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналишларини юзасидан жойларда ўрнатишларни таъкидлади.

Туманимизда янада обод қилиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни жамиятдаги ўрни ва ролини янада ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган қарорлар эртанги кун ва туманимизни ривожланиб бораётган туманлар қаторига бўлиши учун хизмат қилади.

Бу борада муважуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, Олмасор туманида амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиши, янги ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалиётга жорий этишида Олмасор туман фаолирати, Халқ депутатлари Олмасор туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари ва партия фаолирати маъсум эканлигини ҳис қилган ҳамда ҳамжиҳатликда тизимли ишларни амалга оширишда ўзларининг фаол ҳаракатини давом эттиришди.

Мақолани O'zLiDeP Олмасор туман Кенгаши аппарати раҳбари Ж.Қадров билан биргаликда яқинга етказиб, газета таҳририяти томон келаятган маҳаллада туман ҳокимининг қўриқчилари билан йўл бўйида гаплашиб турганини кўрдик. Баҳорининг офтоби юзларини озгина қорайтирган, Назаримизда бироз чарчаганлигига қарамастан, у қўрувчиларга ўз тавсия ва топшириқларини берган ҳолда "Olmasor city" мажмуаси томон йўл олди.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги ва халқнинг фаровон ҳаёт кечирishi йўлида тиним билмай ислохотлар бошида турган давлатимиз раҳбари атрофида шундай захматчан инсонларнинг ҳам эмаслигидан хурсанд бўлган ҳолда биз ҳам йўлимизда давом этидик...

Дарҳақиқат, бизнинг юртимиз, Ватанимиз битта – Ўзбекистон. Унинг бугунги ва эртанги кунини уйлаб мушад, шўхратини ошириш – ҳаммамизнинг муқаддас вазирамиздир.

Шундай экан, Тошкент шаҳрини янада кўркам ва обод қилиш учун муважуд вазирият иқтисодий томонга ўзгартириш учун аввало, аҳоли, ҳалқ томонидан сайланган депутатлар, фаоллар ҳаммамиз маъсумим.

Биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз. Шунинг учун ҳам муважуд имкониятлардан фойдаланиб, амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ томошбани бўлиб эмас, ақинча, меҳнатимиз билан ишончликда, бирдамликда ҳисса қўшишга ва фаолиққа сиз аъзолари ҳам қўриқиб қоламиз.

Тўрабек НАЗАРОВ, O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

Май – Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар оғи

Фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати 2019 йил май ойида тугаши муносабати билан жорий йилнинг май ойида ўтказилаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тизимли равишда тайёргарлик кўрилмақда.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Фуқаролар йиғинлари раисларининг сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи республика, ҳудудий, туман (шаҳар) комиссиялари таркиби, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳамда сайлов бюллетени намунаси тасдиқланган. Виловлардаги сайловга кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлари хоналари давлат раамзлари, сайлов билан боғлиқ кўргазмалари воситалар, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, адабиётлар, услубий қўлланмалар, зарур техникалар билан таъминланган.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов ўтадиган жойларда сайловчилар учун қулай шароит яратилмоқда. Сайлов кунини кўчма (озик-оқват ва салқин ичимликлар сотадиған) дўконлар фаолияти, хавфсизликни таъминлаш, сайловчилар учун тиббиёт ходимларидан иборат навбатчилик ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Фуқаролар йиғини раислари сайловини юқори савияда ўтказишда аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш муҳимдир, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бўлим бошлиги Элмурод Қариев. – Шу мақсадда сайловларни янги бўлиб этилган замонавий маҳалла гузарларида, барча учун қулай муассасалар биноларида ўтказиш белгилаб олинди. Бундан ташқари, 20 мингдан ортиқ овоз бериш кабиначи, 11 мингдан ортиқ сайлов қўтиси, 9 мингдан зиёд овоз қўлайтиригич воситаси таъминлаб қўйилган. Республика бўйича барча фуқаролар йиғинларидаги ишчи гуруҳлари тақдирларини инобатга ол

“EXPO-RUSSIA UZBEKISTAN 2019” – БИЗНЕС АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРУВЧИ ПЛАТФОРМА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазманинг махсус павильонларида нефть-газ соҳасида қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш, инфратузилма объектларида хавфсизликни таъминлаш, тоғ-кон саноати учун замонавий технологиялар, металлургия, машина-созлик, энергетика, қурилиш тармоқларига мўлжалланган ускуналар намойиш этилмоқда.

– Ушбу павильонлар ўзаро тажриба алмашиш учун платформа вазифасини ўтамоқда, – дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бош механиги Ҳамидулла Мирзажонов. – Одатда нефть қувурларида асосий хом ашёга тегишли бўлмаган унсурлар қолдиқ йиғилиб қолади. Кўргазма доирасида Россиянинг “Интерстрой” компанияси ушбу муаммага самарали ечим сифатида ўз ишланмаларини тақдим этган. Бу нефть маҳсулотларини қувурларда узатиш ва ташиш чоғида юзага келиши мумкин бўлган узиллишлар ва фаолиятга салбий таъсирнинг олдини олади.

Кўргазмада “Пюр Продакшн” компанияси ўзининг косметика маҳсулотларини алоҳида стенда тақдим этган. Бу ерда “AIS” савдо белгиси остида “Халол” стандарти маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

“Пюр Продакшн” компанияси бошқарувчиси Александр Лешенковнинг қайд этишича, бу

каби маҳсулотлар Қозоғистон, Сингапур, Озарбайжон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Компания ушбу кўргазмадаги иштироки орқали ўзбекистонлик ишбилармонлар билан узок мuddатли ҳамкорлик ўрнатиш, қўшма инвестициявий лойиҳаларда иштирок этиш бўйича музокаралар ўтказиш истагиди.

– Кўргазма доирасида “Дальхимфарм”, “Дальэнергомаш”, “Уайт Софт” каби компанияларимиз ўз маҳсулотлари, хизматларини тақдир этишмоқда, – дейди ЎзА муҳбирига Ҳабаровск ўлкасини иқтисодий ривожлантириш вазири ўринбосари Максим Тарасов. – Бугунги тадбир доирасида маҳаллий ишбилармонлар билан ҳамкорлик бўйича самарали келишувларга қўл қўйди.

“Expo-Russia Uzbekistan 2019” тадбирларида “Россияда ишлаб чиқарилган” бренди остидаги инновацион ишланмалар ҳам намойишга қўйилган.

Кўргазма Ўзбекистон саноатининг турли тармоқлари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, фармацевтика соҳаси ва тиббиёт саноати, агросаноат мажмуалари бўйича Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Малоҳат ХУСАНОВА

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш барча ҳудудларни қамраб олиши зарурлиги, бу эса Бутунжаҳон аҳоли, уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури бўйича ўтказилаётган дунё аҳолисини рўйхатга олишнинг таркибий қисми эканини таъкидлади.

Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, маълумотларни йиғиш, сақлаш, шунингдек, аҳоли тўғрисидаги яқиний маълумотларни кенг оммага тарқатиш жараёнида субъектларнинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишдан иборат.

Қонун лойиҳасида алоҳида моддада асосий тушунчаларнинг таърифи берил-

ган. Лойиҳада аҳолини рўйхатга олишнинг асосий принциплари, аҳолини рўйхатга олиш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ушбу жараёнга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказувчи давлат органлари, ваколатли орган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг тартиби, маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари, даврийлик, жараёни молиявий ва моддий-техник таъминлаш каби масалалар ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топган.

Давра суҳбатида лойиҳани янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА муҳбири

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан “Иқтисодийнинг йирик тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижа ва муаммолар ечимини” мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди.

Тижорат банкларининг иқтисодий реал секторини кредитлашдаги фаолияти янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ҳамда шунинг асосида иқтисодийнинг барқарор ва динамик ўсишини таъминлаб, янги иш ўринларининг барпо этилишида муҳим омили бўлмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан бу борада мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишнинг аниқ йўллари белгилаб, молия муассасаларининг ушбу йўналишдаги фаолияти янада кучайтирилди.

– Бугунги кунда “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида иқтисодийнинг йирик тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштириш мазкур қарорда қайд этилган вазифалар доирасида кенг қўлама амалга оширилмоқда, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки Корпоратив миқозларни молиялаштириш департаменти директори Шохпур Гултурраев. – Хорижий кредит линиялари фаол жалб қилиниб, молиявий имкониятлари оширилмоқда, кредит портфелини тақсимлашда юқори самарали лойиҳаларга катта эътибор қаратилмоқда. Бизнес-жараёнларни автоматлаш-

тириш, шу жумладан, корпоратив миқозларга мўлжалланган масофавий хизматларни янгилаш ишлари кучайтирилмоқда. “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан катта ишлаб чиқариш (ёки хизмат кўрсатиш)га эга корхоналарнинг лойиҳалари банк ўз маблағларидан ташқари чет эл молия муассасалари кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бундан ташқари, банк Осий тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан Давлат инвестиция дастурларидан ўрин олган лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашмоқда.

Тадбирда яқин истиқболда Халқаро Исломолиқия корпорацияси билан ҳамкорликда иқтисодий молиялаштириш бўйича хизмат кўрсатишни режалаштирилаётгани, ишлаб чиқариш объектларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш ва энергия тежамкорлигини оширишга қаратилган “Green banking” тизими асосида молиялаштириш механизмларини жорий этишга тайёргарлик кўрилаётгани ва бошқа маълумотлар берилди.

Жумладан, йирик тармоқлардаги лойиҳаларни молиялаштиришда банк қошида ташкил этилган Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази фаолияти алоҳида аҳамиятга эга-



Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган матбуот анжумани бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни турли соҳаларда ўз иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ва вазифалар ижросига бағишланди.

Анжуманлар

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг қарийиб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар жамиятнинг барча баҳбаларида маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳар соҳадаги фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларнинг бандлигини таъминлаш ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири қилиб белгиланган.

2018 йилда республика-мизда жами 1 минг 466 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган ва ногиронлиги бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизларга 54 миллиард 581 миллион сўм миқдорда уй-жойларнинг бошланғич бадал тўловлари қайтарилмаслик шарти билан тўлаб берилди.

Жорий йилда ҳам юртимиз бўйича 1 минг 576 та яшаш шароитлари оғир, ногиронлиги бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бадал пуллари тўлаб бериш режалаштирилган.

Худудларда хотин-қизлар қўмиталари ҳузурда реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини бос-қичма-босқич ташкил этиш борасидаги эзгу ишлар изчиллик билан олиб боришмоқда. Шу кунга қадар республика бўйича жами 160 та марказ ўз фаолиятини бошлади. Тошкент шаҳрида эса мазкур марказларнинг 5 таси фаолият олиб бормоқда. Реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида психолог, ҳуқуқшунос, ижтимоий соҳа ва тиббиёт ходимларининг жамоатчилик асосидаги фаолияти йўлга қўйилган.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 39 минг 682 иш ўринлари яратилиб, 29 минг 341 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган. 2019 йилнинг январь-февраль ойларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган хотин-қизларнинг сони беш минг нафардан зиёд бўлиб, улар томонидан 9 минг 540 та иш ўринлари ташкил этилди. Жумладан, худудий хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан 499 та тивувчилик, қандолатчилик ва бошқа соҳаларда кичик корхоналар ташкил этилди. Хозирда ушбу корхоналарда уч минг 712 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланиб самарали фаолият олиб бормоқда.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Таълим

БИЛИМДОН ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – бу миллий тарбия борасидаги қомусимиздир. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги илк бор эътироф этилди.

Биз педагогларнинг вазифамиз Конституция нормаларини изчил ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишдан иборатдир. Халқимиз ўз қадрини тиклай олди, ўтмишидан фахрланиб, келажакка қомил ишонч билан қарамокда. Биз педагоглар эш авлод-ни ҳуқуқий тарбиясига эътиборни кучайтиришимиз керак деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда “Ҳуқуқий давлат” ва “Ҳуқуқий тарбия” тушунчалари бир-бирига узвий боғлиқдир. Яқинда Юнусобод туманидаги 273-мактабда аниқ ва ижтимоий фанлар бўйича ўқувчилар олимпиадасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда фахрли ўринни эгаллаган билимдонлар шахар босқичига йўллангани қўлга киритишди.

Жумладан, ҳуқуқ фанидан 8“Б” синф ўқувчиси Мадина Мирқамоллова ва 11 “А” синф ўқувчиси Лола Турғуновалар ижобий натижаларга эришиб устозларининг ишончини оқлади.

Олимпиаданинг шахар босқичи Олмазор туманининг 224-мактабда бўлиб ўтди. Унда ижтимоий фанлар бўйича туманимиз ўқувчилари яхши натижаларни қўлга киритди. Ҳуқуқ фанидан 271-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Қумринисо Абдуразоқова фахрли 2-ўринни эгаллади.

Юнусобод халқ таълими бўлими, ижтимоий фанлар ус-лубчиси Хотам Қоировнинг таъкидлашича эш ўқитувчиларнинг касбий-педагогик маҳоратини ошириш мақсадида ҳар пайшанба кунлари ўқувсеминарлар ўтказилмоқда.

Собирхон ХОЖИЕВА,
105-мактабнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси

“101”

ТАРҒИБОТ ИШИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ёнғинга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш масалалари фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки барчанинг инсонийлик бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

Бунинг учун, энг аввало, фарзандларимизни ёнғин келиб чиқиш сабабларидан воқиф қилиш, ушбу кўнгилсиз ҳолатнинг юзага келишининг олдини олиш борасида мунтазам равишда турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришимиз керак.

Ёнғин хавфсизлиги, унинг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар, суҳбат ва учрашувларни барча жойларда амалга ошириш фойдадан холи бўлмайди. Қундалик ҳаётимизда олов ҳаммиса ҳамроҳ экан, унга асло бефарқ бўлмасдан, доимо эҳтиёткорлик билан фойдаланайлик.

Абдумавлон АБДУЛАЗИЗОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исмоил Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Фарзандларимиз – келажакимиз. Шундай экан, болаларни уйда ёлғиз қолдирамаслик ва ёнғин ҳақида тушунтириш, гугурт ўйнамаслик, “тилсиз ёв” нима оқибатларга олиб келиши тўғрисида доим эслатиб туриш даркор.

Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир оғатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғин. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билвермайди.

Ҳаётимизни тинч-осойишта бўлиши учун белгиланган қонун-қоидаларга амал қилишни унутманг!

Исроил МАҲАМАДЗИКИРОВ,
Яққасарой тумани ЁХБ катта инспектори, лейтенант

Агар биз қундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай оғатлар бепарволик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, ёш болаларга бепарволик билан қараш оқибаотида юзага келаётганига ғувоҳ бўламиз.

Қўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари сизлардан фарзандларингизга эътиборли бўлишингизни сўраб қолади.

Фуркат ТУРСУНОВ,
Мирзо Улугбек тумани ЁХБ ЁН ва ПБ бошлиғи, майор

Пойтахтимизда юзага келаётган ёнғинларнинг сонини камайтириш, унинг оқибаотида инсонларнинг тан жароҳати олиши ва моддий бойликларнинг ёниб, қўлга айланиши ҳолатларини камайтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Хонадон эгасининг хавфсизлик талабларига бепарволиги ва фуқароларимизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишлари ушбу ҳолатларнинг асосий сабабидир. Унутманг, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мол-мулкнинг, уй-жойингиз, ҳаётингизни хавфдан бартараф этиш гаровидир.

Фарход АБДУЛЛАЕВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори, сержант

Афсуски кўп ҳолларда ёнғинларни келиб чиқишига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Бепарволик оқибаотида эса қўлаб ноҳушликлар келиб чиқади. Шундай ноҳуш ҳолатларнинг аксарияти ўз навабатида ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ҳаракатлари ўлароқ оғат бартараф этилмоқда. Бироқ оқибаотида аҳолига ва давлатга зарар етмоқда.

Серғак, эътиборли инсон ҳар қандай шароитда ҳам вазиятни тўғри баҳолайди. Бунда эса ёнғин чиқиши билан боғлиқ кўнгилсиз вазиятлар камайтиришга эришиш мумкин.

Музаффар ҚҮЛДОШЕВ,
Мирзо Улугбек тумани ЁХБ инспектори, капитан

Сиз умрингизда бир бор бўлса-да ёнғин ҳодисасини кўрганмиз? Дейлик қўшнингизнинг уйида бирор сабаб билан ёнғин чиқди. Ёнғин содир бўлган хонадон вайронга айланади, уйдан файз барака ўчади.

Ачинарлиси, бир инсон ёнғиндан жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолиши ёки қурбон бўлиши мумкин. Биринчидан, ёнғинда – у хох катта, хох кичик бўлсин, албатта моддий зарар қўрилади. Иккинчидан, ёнғиндаги қўшни хонадон гувилади ёнади-ю, сизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингиз тинч-осуда яшашингиз учун тўла асос бўла олмас экан. Шунинг учун барчамиз аввало ўз уйимиз, қолаверса, қўни-қўшни ва маҳалла-қўйда юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга масъул бўлайлик.

Санжар САИДУРДОВ,
Сергели тумани ЁХБ инспектори, лейтенант

Биз инсонлар “менда шундай кўнгилсизликлар рўй бермайди” дейимиз-у аммо юз берганидан сўнг “аттанг” деб қоламиз. Агар шу ва шунга ўхшаш ноҳушликлар давлат корхоналарида содир бўлса, буни кўз олдимизга келтириб қўрайлик-чи. Бундай ҳолатда нима вазифани бажаришимиз ёки нима қилишимизни билмай қоламиз.

Ёнғин сабаблари ҳамда кўнгилсизликнинг олдини олишимиз ўз қўлимиздаги унутмасликимиз ва атрофимиздагиларни шунга ундашимиз мақсадаг муроғидир.

Камронбек ДЖУРАЕВ,
“Маърифат маркази” ЁХБ инспектори, капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент юридик коллежи томонидан 2012 йилда Эргашев Фозилхон Комилхон ўғли номига берилган К № 2700109 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент фармацевтика институтини томонидан 30.01.2018 йилда Мирзаева Райида Уткуровна номига берилган НВ № 939687 дипломига малака ошириш тўғрисидаги 15025 кайд рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Фафур Фулом
номидаги маданият
ва истироҳат боғида
ёзги мавсумининг
очилиш муносабати
билан "Ёшлар –
келажак
бунёдкорлари"
мавзуда маданий-
маърифий тадбир
ҳамда ёшлар сайли
ташkil этилди.



Маънавият

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баходир Султонов, халқ депутати Чилонзор туман кенгаши депутати Зафар Мирзаулоқов, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси Баходир Зиёвуддинов, "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омонулла Муталов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Нигора Умарова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Улар ўз сўзларида юртимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган эзгу мақсадли ишлар, мислсиз бунёдкорликлар, кўлга киритилаётган музаффар ютуқлар ҳамда келажаги порлоқ ёшларимизга яратилаётган кенг кўламли имкониятлар, ўғил-қизларимизни она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

– Боғнинг мавсумий очилиш маросими ва ёшлар сайлининг ўтказилишини эзгу мақсадлар йўлидаги катта бир тантана ва кўшалок байрам деб аташ ҳам мумкин, – дейди Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори

Сардор Султонов биз билан суҳбатда. – Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган юксак ислохотлар, инсон манфаатлари, уларнинг бахтли ҳаёт кечирishi, маънавий юксакликка эришмоғи ва айниқса ёшларнинг нурли келажакда ўзига хос қўлғун қадам бўлиб хизмат қилмоқда. "Ёшлар – келажак бунёдкорлари" сайлини ўтказишимиздан мақсад ҳам юртимиз ёшларини бирдамликка чорлаш, яхшиликка даъват этиш, турли зарарли иллатлардан муҳофазалаш, бўш вақтларини унумли ўтказиш, энг асосийси эса уларнинг онгу тафаккурига, гўзал эзгу мақсадларни куй, кўшиқ наволари ва китоблар оламининг сеҳри билан чамбарчас боғлашдир. Бундай тадбирлар нафақат ёшларга балки барча фуқароларга маънавий озуқа ва маданий ҳордиқ беради...

Тадбир доирасида мазкур боғ қошида фаолият кўрсатаётган "Гулистон" карнай-сурнайчилар гуруҳи, "Дурдона" фольклор-этнографик халқ ан-

самбли ҳамда "Улугбек юлдузлари" вокал ансамбли хонандалари ўзларининг оҳанграбо куйи ва кўшиқлари, дилбар рақслари билан йиғилганларнинг қалбига бир олам қувонч ва хушнудлик бағишлади.

Чилонзор туман 15-сон мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ва туман Маданият марказлари қошидаги бадиий хаваскорлик жамоаларининг махсус концерт дастурлари, "Турон" спортчилар гуруҳи ва болалар рақс жамоасининг чиқишлари боғга ташриф буюрган меҳмонларнинг олқишига сазовор бўлди.

Шунингдек, "Ўзкитобсавдотаъминоти" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташkil этилган китоб савдо-ярмаркаси ҳамда Чилонзор тумани "Баркамол авлод" болалар маркази қошидаги миллий хунармандчилик тўғараги аъзоларининг ижодий кўргазмалари тадбирнинг мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлади.

Маданий-маърифий-мусиқий тадбирда маданият ва санъат ходимлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Гулнигор САТТОВОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Футбол ангилликлари

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ГОЛИ СЎРОВНОМАДА ИККИНЧИ

Мухлисларнинг ёдида бўлса футбол бўйича ОЧЛ турнирида "Локомотив" футболчиси Икром Алибоев "Ал-Ваҳда" дарвозасини узоқдан нишонга ола билган ва бу гол энг чиройли голлар сирасига кириши тахмин қилинган эди.

Яқинда ОФК расмий сайтида ОЧЛ тарихида энг чиройли голни аниқлаш мақсадида махсус сўров эълон қилинганди. Эътиборлики, Икром Алибоевнинг "Ал-Ваҳда" жамоаси дарвозасига урган голи финалга қадар чиройли голлардан бири деб эътироф этиб келинди. Сўровнинг ярим финал раундида Икром Алибоевнинг майдон марказидан урган голига "Ал-Иттиҳод" аъзоси Сауд Ҳаририй

томонидан яна ўша "Ал-Ваҳда" клубига қарши ўйинда киритилган гол рақиблик қилди. Аммо яқинда ҳамюртимизнинг голи чиройлироқ деб топилди. Бироқ сўровнинг финал босқичида Алибоевга рақиблик қилган эронлик Андраанин Теймурнинг ОЧЛда урган голи голиб чиқди ва ҳамюртимизнинг голи ОЧЛ тарихидаги энг чиройли иккинчи гол деб эътироф этилди.

Нигора АЛИМОВА

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАЛАРИ

Япония ва Ўзбекистон футбол мутасаддилари ўртасида миллионлар ўйинини янада ривожлантириш мақсадида имзоланган икки томонлама келишув шартномасига кўра, Япониянинг "Ванфоре Кофу" клуби юртимиздаги болалар ва ўсмирлар футбол академиялари жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиш мақсадида Ўзбекистонга келди.

Дастлаб, Самарқандда бўлган кунчиқар юрт клуби аъзолари Самарқанд шаҳрида бир неча маҳаллий жамоаларга қарши ўртоқлик ўйинларида иштирок этишди. Шундан сўнг пойтахтимизга келган "Ванфоре Кофу" жамоаси "Чигатой" спорт мажмуасида Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар академияси тарбияланувчилари билан куч синашди ва 2:0 ҳисобда устун келди. Шундан сўнг "Миллий" стадионда "Ванфоре Кофу" жамоаси

иштирокида халқаро минимусобақа ташkil этилди. Мусобақада япониялик ёш чарм тўп усталарига "Пахтакор", "Бунёдкор" "Насаф" клублари академиялари тарбияланувчилари рақиблик қилишди. Биринчи ярим финалда японияликлар "Бунёдкор" тарбияланувчилари билан куч синашди. Қизиқарли баҳс ҳамшаҳарларимизнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Иккинчи ярим финалда "Насаф" "Пахтакор"ни худди шу ҳисобда доғ-

да қолдирди. Финалда "Бунёдкор" "Насаф" жамоасидан 1:0 ҳисобида устун келган бўлса, 3-ўрин учун "Пахтакор" ҳамда япониялик ёш чарм тўп усталари ўртасида кечган ўйин 2:0 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига ҳал бўлди. Яқинда "Бунёдкор" халқаро турнир голиби сифатида олтин медалларга эгалик қилган бўлса, "Насаф" ҳамда ёш пахтакорчилар фахрли 2, 3-ўринларни кўлга киритишди.

ЎҚУВ ДАСТУРИ АСОСИДА СЕМИНАР

ЎФА мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида футболнинг оммавийлигини янада ошириш мақсадида турли хил ислохотларни амалга ошираётганлиги келажакда ўз мевасини беради.

Яқинда ЎФАда ҳудудий болалар ва ўсмирлар академиялари учун навбатдаги семинар уюштирилди. Унда академиялар тарбияланувчилари ҳамда мураббийлари учун мўлжалланган English For Football

инглиз тили ўқув дастурини амалиётга татбиқ этиш масаласи муҳокама қилинди. Семинарнинг инглиз тили бўйича мутахассис Саъдулла Музаффаров олиб борди.

Акбар Йўлдошев

Қилмиш – қидирмиш

ОЗОДЛИҚДАН ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНДИ

Баъзида инсоннинг айрим нарсаларга бўлган қизиқиши уни фалокатга йўлиқтириши мумкин. Шунинг учун инсон қизиққан нарсасининг фойдали ва зарарли томонларини ўйлаб шунга қараб иш тутиши лозим.

Жамол Холиёров (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2019 йил 7 январь кун тахминан соат 18.30 ларда Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Оқтепа мавзеси олдида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир жараёнида кўлга олинди. Унинг ёнида ўз истеъмоли учун қонунга ҳилоф равишда сақлаётган уч дона конвалютадаги ўттиз дона "Трамадол-Ланнахер" гиёҳвандлик воситалари аналоглари борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириши ундан олиб чиқиши ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомаласи бўлиши озадлик назоратни тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги ва 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон қарори 2-рўйхатига кўра, наркотик моддалар рўйхатига киритилганлиги

кўрсатилган. Жамол ўша кун Шайхонтохур туманида жойлашган Оқтепа мавзеси олдида таниши Сашани кўриб қолган. Саша унга "Трамадол" дори воситаси борлигини айтган. Сашадан 30 дона 3 дона конвалютада бўлган "Трамадол" дорисини 150.000 сўмга сотиб олган. Шу кун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган. Муқаддам бундай воситаларни истеъмол қилмаган. Саша исмли таниши уни қизиқтирганлиги учун ўша кун ичиб кўрмоқчи бўлган.

Бу қизиқиш унга қимматга тушди. Суд Жамол Холиёровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддасининг 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топиб ва ушбу моддага асосан 3 йил озадликни чеклаш жазоси тайинлади.


Фаррух ТУРАХОДЖАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улугбек тумани суди
судьяси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Яшнобод туман "Ягона дарча" маркази томонидан 07.09.2017 йилда 321660-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган "UMIDA-ABID" ХК (СТПР 200544758) таъсисчининг 23.04.2019 йилдаги қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Қ.Ўқубов кўчаси, 2-тор кўча, 30-уй. Мурожаат учун телефон: (97) 773-00-43.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 18.09.1995 йил 000212 – рақами билан рўйхатдан ўтган "АЛ ВАТБА ТРЕЙДИНГ ЭСТ" ШК (СТПР 201303565) таъсисчининг 24.04.2019 йилдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда
ТУГАТИЛАДИ
Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 15-уй, 36-хона. Телефон: (71) 245-90-82.

М.С.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи томонидан 2007 йилда Кахарова Махфуза Абдировуловна номига берилган № 791607 рақамли (2557-рўйхат рақами) диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Озда ҳикмат, кўпда иллат.

Кўпчилик тарозига ўхшайди: бошқаларни ўлчайди-ю, ўзини ўлчолмайди.

Ким бир лаҳзада мангуликни яратади, кимнинг бутун умри беҳуда ўтади.

Ким қайси даврада юрса, ўшанинг гапини айтади.

Инсон билмаган нарсасига қизиқади – билганининг қизиги йўқ.

Қадрсиз меҳнат қаритади.

Дунёда нодоннинг ўзини доно кўрсатишидан-да кулгили нарса бўлмаса керак.

Нодоннинг ҳақиқатига ўзидан ўзга ишонмайди.

Муҳаббатни куч билан ушлаб туриб бўлмайди.

Керакка югуриб етолмайсан, кераксиз оёғингнинг остидан чиқади.

Нодон оқибатни кўролмайди.

Нафс кишининг кўл-оёғини боғлаб беради.

Бировга қолган кун ўтмас.

Ваҳимачи ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб яшайди.

Қаноатсизлик одамни адо қилади.

Оқил тадбир билан, жоҳил занжир билан.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Тешаева Дилфуза Аваз қизи номига берилган К № 2254045 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДК томонидан "IXLOS NURI" МЧЖ номига Юнусобод тумани, А.Темур шох кўчаси, 6-мавзёда жойлашган бино учун берилган (кадастр рақами 10:07:01:01:02:0116), (реестр рақами №7-152/2001-сонли) кадастр ҳужжатлари ва 2007 йил 5 апрелдан ер участкасига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"XALQ SUG'URTA" МЧЖ СК томонидан "Насиба Нодирбек Шифо" МЧЖ номига берилган 0187836-сонли полис бланки йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗМУ қошидаги 2-сонли академик лицей томонидан 2011 йилда Аҳмедов Тохир Ҳаким ўғли номига берилган L № 125952 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 26 апрель кун ҳаво ўзгариб туради, эрталаб ва кундузи қисқа муддатли ёғин ёғади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 5-7, кундузи – 15-17 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 26 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлослашиш даражаси паст бўлади.